

МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.

М. Абдуллаева

Андижон ВХТХҚТМОИ ректори

Г.Гайназарова

Андижон ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

Тарбиялашда энг асосийси, тарбиячининг кимлигидир.

(Д.Писарев)

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг дастлабки кунидан бошлаб ўзининг алоҳида ривожланиш йўлини танлаб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан халқ таълими тизимида ҳам муҳим аҳамиятга молик ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Давлат дастурлари натижасида таълим муассасаларининг моддий - техника базаси мутахкамланди, мактаблар қайтадан қурилди ва капитал таъмирдан чиқарилди. Замонавий компьютер техникалари ва ўқув - лаборатория анжомлари билан таъминланди. Ушбу ўзгаришлар таълим сифатини оширишнинг ўзига хос моддий асосини яратди. Эндиги вазифа - кутилаётган мазкур сифатни таъминлаш учун масъул шахс - педагогнинг касбий тайёргарлик савиясини ошириш ва ушбу салоҳиятни доимий равишда замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаб туришдир.

Маълумки, ҳозирда Республикамизда 500 мингдан зиёд педагоглар, таълим муассасаларининг раҳбарлари, услубчи кадрлар фаолият олиб бормоқдалар ва уларнинг касб маҳоратларини давр талаблари даражасида бўлишини таъминлаш Республика раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти ва 14 та ҳудудий институтлар зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 августдаги 234-сонли “Малака ошириш институтлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори билан бугунги кунда барча малака ошириш

институтлари фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилмоқда ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Малака ошириш институтларидаги муаммолардан бири - таълим жараёнига таълим сифатининг давлат талаблари даражасида таъминланишига хизмат қиладиган технологияларни жорий этиш ва ривожланган мамлакатларда катталарни ўқитишда шу қатори педагогларга қўшича таълим беришда андрагогиканинг ютуқларидан кенг фойдаланиш муаммоларидир. Узоқ йиллар давомида катталар ва болалар бир хил методлар билан ўқитилган. Вақт ўтиши билан катталарни ўқитишда болаларни ўқитишда фойдаланилган методлар ва усуллар билан ўқитиш самара бермаслиги маълум бўлди. Иккинчи минг йилликнинг охирида катталар таълими бутун инсоният ривожланишининг мезонига айланди. Жамият ҳаётига жалб қилинган ҳар бир инсоннинг энг биринчи муаммоси унинг компетентлик даражасининг жамият ривожланишининг суръатларидан орқада қолиши бўлиб қолди. Бугунги кунга келиб, катта ёшдаги инсонларни ўқитиш жараёнини ташкил қилишда янги ёндашувларга зарурат ва катталар таълими аҳамиятининг ўсиб бориши сезилмоқда.

ЮНЕСКО ташкилотининг материаллари бўйича, катталар таълимининг устувор вазифаси – инсонни замонавий тезкор ривожланаётган жамиятда ижодий фаолият ва қувончли ҳаёт учун зарур бўлган билимлар, кўникмалар йиғиндиси билан таъминлашдир.

XX асрнинг ўрталарига келиб, катталар таълими тўғрисида махсус фанни яратишга бўлган эҳтиёж сезила бошлади ва дунёнинг турли мамлакатларида ушбу соҳада катта амалий тажриба тўпланди. Шу тариқа янги илмий фан – андрагогика шаклланди.

“Андрагогика” тушунчаси немис педагогика тарихшуноси А.Капп томонидан илмий русумга киритилган бўлиб, сўзма - сўз таржимаси – “катта одамни бошқариш, етаклаш” деган маъноларни билдиради. Андрагогикани шаклланиши бевосита америкалик олимлар М.Ш.Ноулз, Р.М.Смит, англиялик П.Джарвис ва Ноттингем университетининг бир гуруҳ олимлари номи билан боғлиқ. 1970 йили М.Ш.Ноулз андрагогика бўйича “Катталар таълимининг замонавий амалиёти.

Андрагогика педагогикага қарши” номли фундаментал асарини яратди. Машхур рус психологи Б.Г.Ананьев андрагогикани “инсоншунослик” деб атаган.

Малака ошириш институтларида таълим жараёнига таълим сифатини кафолатловчи педагогик технологияларни жорий этиш, катталар таълимини ташкил этишда катта ёшдаги таълим олувчиларнинг алоҳида хусусиятлари, касбий тайёргарлиги даражаси ва амалий тажрибаларни инобатга олиш умумий ўрта таълим сифатини юқори натижаларга эришиш имкониятини беради. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган кадрларнинг илмий салоҳиятларини янада ошириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Андрагог мутахассисларга бўлган эҳтиёжлар сезиларли даражада ортиб бораётганлигига қарамасдан ҳалигача Ўзбекистондаги бирорта олий таълим тизимида ушбу ихтисосликлар давлат таснифлагичига киритилмаган. Асосий функцияси катталарни ўқитишдан иборат бўлган мутахассис-андрагогларни тайёрлашда ушбу касбнинг ўзига хос бўлган қатор хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун аввало андрагог мутахассисларнинг бажариши лозим бўлган вазифаларни аниқлаб олиш керак. Андрагог қуйидагиларни бажариши керак:

- Ўзининг имкониятлари, кучли ва кучсиз томонларини объектив баҳолаши;
- Катта ёшдаги таълим олувчининг касбий аҳамиятли сифатларини англаши;
- Олинган инсон тўғрисидаги билимларини ўзининг кейинги касбий фаолияти учун аҳамиятини тушуниши;
- Ўзи томонидан танланган ихтисосликнинг кейинги ривожланиши учун очиб берадиган истикболлини кўра билиши.

Катталар таълими билан шуғулланувчи андрагогнинг педагогдан фарқли жиҳати шундаки, агар ўқувчи шаклланиш жараёнида бўлган бола бўлса, малака ошириш институтларига келган тингловчилар шахс сифатида шаклланган, базавий маълумотга эга, ижтимоий ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган катта ёшдаги кишилардир. Улар ўқишга ўз ихтиёрлари билан келадилар, ўзини мустақил шахс сифатида тушунади, олинган билим, кўникма ва малакаларни тезроқ амалга оширишга интиладилар. Педагогик фаолиятда асосий мақсад таълим олувчиларни ривожлантириш, тарбиялаш, келажак ҳаёт фаолиятига тайёрлаш бўлса, андрагогик

фаолиятда асосий мақсад шахснинг ривожланиши ва такомиллаштирилишига, тарбиялаш (қайта тарбиялаш)га, ўқитиш (қайта ўқитиш)га, мослашишга, мустақил таълим олишига ва ўз-ўзини ривожлантиришига кўмак беришга қаратилади. Шу сабабли уларни ўқитишни ташкил қилишда шахсий, физиологик, психологик, ижтимоий ва касбий хусусиятларни инобатга олиш зарур. Социологларнинг қайд этишича, олий таълим муассасаси битирувчисининг муваффақиятли амалий фаолиятининг 15-20 % олинган касбий билимларга боғлиқ бўлиб, қолганлари эса одамлар билан ишлаш кўникмаси билан аниқланади.

Андрагог ўз амалиётида таълим олувчиларнинг физиологик ва психологик хусусиятларини ўрганар экан, аввало уларнинг темперамент тури ва характерининг индивидуал хусусиятларини очиб бериши лозим. Ёш улғайиши билан инсон организмидаги таълим жараёни билан боғлиқ бўлган баъзи физиологик функциялар бирмунча заифлашади. Кўриш, эшитиш пасаяди, хотира, онгнинг тезлиги ва эгилувчанлиги ёмонлашади, реакциянинг тезлиги секинлашади.

Гарчи андрагог атамаси “инсон-инсон” турига кирувчи касблар (журналист, тиббиёт ходими, актёр, кутубхоначи, сиёсатчи, ижтимоий психолог...)нинг барчасига тегишли бўлсада, анъанага кўра асосан катталар таълими билан шуғулланувчи – катталар мактаби, олий таълим муассасалари, малака ошириш институтларида ишловчи ўқитувчиларга нисбатан қўлланилади.

Андрагогнинг дунёқараши қуйидагича шаклланади:

- Ўзининг маълум бир фазилатлари (кучли томони, очилмаган ресурсларини)
 - Ўзининг асосида фаол (жисмоний, психик ёки ижтимоий-ижобий)
 - Ўзи учун жавоб беришни хоҳлайди (андрагог таълим мазмунига жавоб беради, таълим олувчи эса тиришқоқликка ва ўқув жараёнининг бошқа иштирокчиларини ҳурмат қилишга);
 - Ривожланиши мумкин (умидсиз таълим олувчи йўқ, уларни рағбатлантирмайдиган ва мотивлаштирмайдиган андрагоглар бор).

Шунингдек, андрагог фаол эшитиш, кўриш контакти каби мулоқат техникасига эга бўлиши, таълим олувчиларни қўллаб-қувватлашни билиши, уларни тушуниши ва рағбатлантириб бориши лозим.

Андрагогнинг касб этикаси қуйидагилардан иборат:

- Касбий бурч;
- Касбий иззат-нафс;
- Касбий ҳаққонийлик;
- Касбий виждон;

Катталар таълими билан шуғулланувчи-андрагог ўзининг фаолиятини тўлақонли амалга ошириши учун ундан аввало эмпатия ва симпатия, инсонпарварлик ва мулоқатчанлик, компетентлик, тегишли касбий билимлар, малакалар, катталар билан ишлаш кўникмаси, обрўлилик, ташкилотчилик, артистлик, иродалилиқ, сабрлилик ва нотиклик каби хусусиятларга эга бўлиш талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган педагог-тарбиячиларнинг келажак ворислари бўлган ўқувчиларга самарали таълим-тарбия бериб боришлари учун педагогларнинг ўз устида тинимсиз ишлашлари, ўзларининг касбий ва шахсий сифатларини ривожлантириб, мавжуд билимларини таълимдаги янги ва замонавий янгиликлар билан тўлдириб, эскирган билимларини янгилаб боришларида малака ошириш институтларининг ўрни ва аҳамияти тобора муҳим ўрин тутмоқда. Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, бугунги кунда малака ошириш институтларида фаолият олиб болаётган андрагог-мутахассислар олдида ҳам масъулият пайдо бўлмоқдаки, зеро малака ошириш институти мутахассисислари ҳам бу масъулиятни тўла англаб етган ҳолда ўз устида тинимиз изланишлари, илмий-услубий, ўқув-методик ва маънавий жиҳатдан етук бўлишлари зарур. Ана шундагина юртбошимиз “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” деган чақириқлари амалда бажарилади.

Малака оширишда тўғри ташкил қилинган таълим фаолияти таълим олувчиларнинг эртанги кунга ишончини оширишга, ҳаётий воқеаларни тушунишга имкон беради, уларни умуминсоний кадриятлар асосида бирлаштиришга кўмаклашади. Касбий ва ижтимоий ҳаракатчанлигини оширади, ўзлари учун

ҳаётнинг мазмунини, жамиятдаги ўз ўринларини инсоний ва фуқаролик бурчларини аниқлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 2014 йил.
2. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент – 2008 йил
3. “Таълим тўғрисида” ги, “” Кадрлар тайрлаш миллий дастури тўғрисида” ги қонунлар. Тошкент – 1997 йил.
4. Р.Жўраев, М.Юлдашев, Н.Раҳманқулова ва бошқ. Педагог кадрлар малакасини узлуксиз ошириш механизмини такомиллаштириш. “Адабиёт учқунлари”. Тошкент-2014 йил.